БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА БОЖХОНА МЕНЕДЖМЕНТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Мирзахмедова Дилафруз Фархатовна
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси ходими

https://doi.org/10.5281/zenodo.13764847

Аннотация: *Мақолада божхона органлари фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида божхона менежментини такомиллаштириш учун зарур ҳисобланган назарий-методологик ёндашувлар таҳлил қилинган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолият билан божхона органлари фаолиятини мужассамлаштирган ҳолда бошқарув тамойиллари тўғрисида маълумотлар берилган.*

Калит сўзлар: *божхона менежменти, назария, илмий ёндашув, инсон омили, маъмуриятчилик, бошқарувчи, Жахон божхона ташкилоти, Жахон савдо ташкилоти.*

Аннотация: *В статье анализируются теоретико-методологические подходы, которые считаются необходимыми для совершенствования таможенного управления в целях повышения эффективности деятельности таможенных органов, а также приводятся сведения о принципах управления, интегрирующих деятельность таможенных органов с внешнеэкономической деятельностью.*

Ключовые слова: *таможенный менеджмент, теория, научный подход, человеческий фактор, администрация, менеджер, Всемирная таможенная организация, Всемирная торговая организация.*

Abstract. *The article analyzes theoretical and methodological approaches that are considered necessary for improving customs management in order to increase the efficiency of customs authorities, and also provides information on management principles that integrate the activities of customs authorities with foreign economic activity.*

Keywords: *customs management, theory, scientific approach, human factor, administration, manager, World Customs Organization, World Trade Organization.*

КИРИШ

Сўнгги 10 йилликда мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси ҳажми мунтазам равишда ўсиб бораётганлиги мавжуд воситалардан самарали фойдаланган ҳолда самарали божхона назоратини ташкил этишни тақазо этмоқда (1.1-диаграммага қаранг). Ўзбекистон ташқи савдо алоқаларини бундай жадаллик билан ортиб бораётган бир вақтда халқаро товарлар айланмасининг мавжуд занжирига ўз салбий таъсирини кўрсатаётган шарт-шароитлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда божхона маъмуриятчилигини илмий асосланган маълумотлар асосида амалга ошириш талабини орттиради.

Божхона органлари фаолиятига сўнгги йилларда бир қатор энг сўнгги ва замонавий инновациялар жорий этилиб, тадбиркорлик субъектлари учун масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйилмоқда. Шу ўринда товарлар импорт ва экспорти жараёнларида қўлланилаётган ахборот тизимлари 2024 йил биринчи чорагининг ўзида экспортда 90 фоиз, импортда эса 80 фоиз божхона юк декларациялари соддалаштирилган

тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказилишига, шунингдек, экспортда декларацияларнинг 39 фоизи, импортда эса салкам 10 фоизи инсон омилисиз, сунъий интеллект кўмагида расмийлаштирилишига имконият яратди. Бу эса кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш ва божхона органлари олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун божхона менеждментини ривожланиб бориш тенденциялари ва генезисини илмий-назарий ёндашувлар асосида тўлиқ тушуниб етиш заруратини келтириб чиқаради.

Ушбу мақолада божхона менежментини такомиллаштириш бўйича илмий ёндашувлар таҳлил қилинган бўлиб, бу орқали миллий божхона тизимининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Божхона органлари фаолиятини самарадорлигини ошириш масалалари маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан атрофлича кенг ўрганилган бўлсада, рақамлаштириш шароитида божхона фаолиятини бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Маҳаллий тадқиқотчилар А.Турсунов, Қ.Бердимуратов, С.Гулямов, Т.Раҳмонов, О.Жидкова, А.Жўраев, С.Исамухамедова, Ғ.Сафаровлар томонидан божхона органларининг давлат бошқарув органлари тизимида тутган ўрни, уларнинг фаолият йўналишлари ўрганилган.

Шунингдек, божхона тизимидаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари республикамиз иқтисодчи олимларидан бир гуруҳи, жумладан, С.А.Алимбаев, С.Арипов, Ш.Н.Боймурадов, Э.Раҳматов ва Р.А.Тураповларнинг илмий ишларида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида товар айирбошлашнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, ташқи савдони божхона тўловлари орқали тартибга солишни такомиллаштириш, божхона соҳасида давлат бошқарувининг ташкилий ҳуқуқий шакллари, божхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари акс этган. Лекин, божхона органларидаги коррупция уни юзага келиш сабаблари, унга қарши курашиш механизмлари ўрганилмаган.

Хорижий тадқиқотчилардан А.Аграшенков, М.Н.Блинов, В.Н.Иванов, А.Ф.Ноздрачев, А.А.Гравина, П.С.Тишковский, Ю.Петров, Ю.И.Кудрявцева, В.Сенчагова, Ю.Л.Чернецкийлар томонидан божхона бошқарувига оид масалалар, Майкл Кин, Ллойд Л.Веинреб, Хамидреза Алипур Ширсавар, Масумеҳ Ширинпур, Жейн А.Баллок, Жорж Д.Хеддоу, Деймон П.Коппола, Аҳмет Инжекара, Мурат Уста ўғлиларнинг илмий ишлари ва тадқиқотларида божхона органлари ва бу борадаги давлат сиёсати билан боғлиқ маслалар атрофлича ўрганилган.

Бироқ, юқорида келтирилган илмий-тадқиқот ишларида божхона менежментини такомиллаштиришда назария-методолгик асослантириш масалалари таҳлил қилинмаган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Тадқиқот ишида қарор қабул қилиш жараёни бўйича илмий адабиётлар, илмий тадқиқот ишлари ўрганилди. Шу асосида маълумотлар шакллантирилди, назарий ёндашувлар асосида умумлаштириш, илмий билиш, мантиқий ёндашув усулларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар қандай назариянинг ривожланишиш тушунчалар изоҳидан бошланиб, уларнинг расмий тафсифи – абстракцияга, объектнинг идеаллаштирилишига – назарий модел асосида

тушунчага аниқ изоҳ ишлаб чиқилишига, кейин эса моделнинг тўғриланиши каби холисона шакллантирилишгача бўлган цикл асосида ривожланади.

Шу ўринда “божхона менежменти” тушунчаси юқоридаги цикл асосида ўрганилган бўлиб, у ўзида бозор шароитларида шакллантирилувчи ва ривожлантирилувчи божхона ишини бошқариш назариясини акс эттиради. Таъкидлаш жоизки, божхона иши нафақат божхона органлари фаолиятини балки унинг ташқи иқтисодий фаолият билан муносабатини ҳам ифодалайди.

Божхона менежментининг асосий вазифаси мавжуд куч ва воситаларни самарали бошқаришни ташкил этиш эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, йилдан-йилга ортиб бораётган ташқи савдо ҳажми билан бир қаторда божхона ходимларининг ҳам миқдори орттирилаётганлиги (1.2-диаграммага қаранг) миллий божхона тизимини рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида эришилиши лозим бўлган “инсон омилисиз” қарор қабул қилиш жараёнларига айнан бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларида тўғри танланилмаган ёндашувлар туфайли куч ва воситаларнинг самарасизлиги юзага келмоқда деган хулоса чиқариш имконини беради.

Бу эса ўз ўрнида божхона менежментини такомиллаштиришда илмий ёндашувларни чуқур ўрганган ҳолда миллий божхона тизими учун мос келадиган турини тўлиқ жорий этиш лозимлигини билдиради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, божхона менежменти XX асрнинг 60-йилларига қадар вазифавий ёндашув тарафдорлари томонидан фалсафий нуқтаи назардан деталлаштирилган ўрганишлар асосида божхона маъмуриятчилиги билан бир хил маъно ва мазмун асосида ўрганилган [1]. Божхона менежментига оид ушбу ёндашув мустақил Ўзбекистон тарихида божхона органлари фаолиятини жорий этилишининг дастлабки даврларига ҳос ҳисобланади.

Айнан ушбу даврни яъни Ўзбекистон Республикасида яратилган дастлабки миллий божхона тизими фаолият юритган вақтларни вазифавий ёндашув тарафдорлари томонидан изоҳ қилинган ҳолатга мос тушади деб ҳисоблаш мумкин. Бунга қуйидагиларни сабаб сифатида кўрсатиш мумкин:

- ушбу даврда божхона органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларда “маъмуриятчилик”, “менежмент”, “бошқарувчи” каби тушунчалар келтирилмаган;

- божхона органлари амалга оширадиган вазифалар деталлаштирилган тартибда ҳукумат қарорларида тақсимот қилиб берилган.



1.1-диаграмма. 2013-2023 йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси ҳажми, млн АҚШ долларида

Манба: trendeconomy.ru сайти маълумотлари асосида



1.2-диаграмма. 1991-2024 йилларда божхона органлари ходимлари сонининг ўзгариш динамикаси, нафарда

Манба: Lex.uz сайти маълумотлари асосида

Таъкидлаш жоизки, 1991-1997 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатнинг савдо ҳамкорлари сони ортиб, ташқи савдо савдо айланмаси бир неча баробарга ошиши кузатилган. Натижада, мавжуд бошқарув тизими божхона органлари олдига қўйилган вазифаларни бажариш имкониятини камайиб кетишига, самарадорликни пасайишига олиб келган. Жумладан, у даврда божхона чегаралари орқали ҳаракатланаётган барча товар ва транспорт воситалари божхона кўриги ва расмийлаштирувидан ўтказилиши мажбурий бўлган ва тобора ортиб бораётган товар оқимига ҳар бир товарлар партиясини кам сонли ходимлар билан божхона назоратидан ўтказилиши имконсизлигини исботлаган. Ушбу ҳолат эса мамлакат божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва тубдан ислоҳ қилиш заруратини юзага келтирган.

Бу каби жараён божхона менежментининг ривожланиш тарихида XX асрнинг 70-80 йилларида ҳам кузатилган бўлиб, ўша вақтда божхона менежменти бўйича тизимли-вазиятли ёндашув юзага келган [2]. Унинг асосий жиҳатлари бу даврда божхона органларининг аҳамияти ортиб, у алоҳида бир тизим сифатида ривожлантирила бошлаган. Шунингдек, уни жорий этишда ўзаро алоқадор ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи элементлардан иборат қўйилган мақсадни амалга ошириш учун атроф-муҳит билан қайта алоқа тизимига эга қилган ҳолда жорий этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган. Божхона органлари фаолиятини ташкил этишда тизимли ёндашувдан фойдаланишда қуйидаги асосий элементлар роль ўйнайди: “кириш” – божхона органларининг ташқи савдо муҳити билан алоқаси, “қарорларни қабул қилиш жараёнлари”, “чиқиш” – тизимдан мақсад. Ушбу таркибий элементларни бир тизим сифатида тушунилиши божхона органлари фаолиятини бошқаришда самарадорликни таъминлаш имконини беради. Лекин, тизимли ёндашув тизимнинг тизим ости элементларини ўрганиш давомида асосий приоритет ёки эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим элементни ажратиб олиш имконини бермайди. Таъкидлаш жоизки, божхона органлари ўз вазифаларини амалга ошириш давомида тизим ости элементларнинг муҳимлик кўрсаткичлари асосида вазиятга мослашган ҳолда, соддароқ қилиб изоҳлайдиган бўлсак, юқори турувчи раҳбариятнинг талаблари асосида

хизмат олиб борувчи ижро этувчи ҳокимият ҳисобланади. Шу сабабли, божхона органларида божхона менежментини қўллашда тизимли ёндашув билан бир қаторда вазиятли бошқарув ёки вазиятли ёндашувни ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Божхона органлари фаолиятида бошқарув цикли тизим ости элементларнинг ўзаро бир-бирини ҳаракатга келтирувчи ҳаракатидан ташқари ички ва ташқи муҳит билан алоқаларга ҳам муносабат асосида шаклланади. Шу сабабли, божхона органларида амалга оширилаётган ҳар бир жараённи ҳуқуқий асоси таъминланиши учун ҳар бир ҳатти-ҳаракатни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратилиши талаб этилади. Бу эса товарлар ва транспорт воситаларининг божхона чегараси орқали ҳаракатланиш жараёнларини бошқаришда қарор қабул қилувчилар томонидан индивидуал ёндашув амалга оширилиши заруратини пайдо қилади [2]. Божхона менежментида индивидуал ёндашувни моҳияти шундаки, бунда қарор қабул қилувчи шахс томонидан нафақат божхона тизимининг тизим ости элементлари балки унга таъсир қилувчи ички ва ташқи муҳит ҳам ҳисобга олиниши лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Жахон божхона ташкилоти фаолияти давомида ҳам юзага келган ўзгаришлар ва жорий қилинган янги стандартлар халқаро божхона тузилмалари фаолиятидаги божхона менежментини амалга ошириш йўналишида бир қатор ўзгаришларни юзага келишига сабаб бўлди. Хусусан, 2005 йилда ташкилот томонидан қабул қилинган SAFE Framework – Глобал савдода тартиботларни соддалаштириш ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий стандартлари божхона менежментида XX асрнинг 90-йилларига келиб операцион-жараёнли ёндашувни пайдо бўлишига олиб келди [2]. Бундан ташқари, 1973 йил 18 май куни қабул қилинган Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция ёки Киото конвенциясига божхона органларининг қўшилиши уларда божхона маъмуриятчилигини амалга оширишни такомиллаштириш талабини юзага келтирди.

Ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш даврида божхона органлари фаолиятида божхона менежментини амалга оширишда операцион-жараёнли ёндашувни амалга оширилганлигининг табиий заруратини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- янги жорий этилаётган ахборот тизимларидаги узулишлар бошқарув қарорларини қабул қилишни тўғридан тўғри раҳбарларга юклаган;

- аниқланган янги турдаги божхона қоидабузилиши ҳолатлари учун жавобгарликни белгилашда тўғридан-тўғри жараёнда қарор қабул қилинган ва бошқалар.

Жорий этилаётган халқаро тажриба асосидаги янги стандартлар ва автоматлаштирилган тизим натижасида божхона органларининг фаолият олиб бориш йўналишлари ва соҳалари кенгайишига эришилди. Лекин, божхона менежментини ривожланиши учун бир қатор муаммолар юзага келди.

Жумладан, божхона менежменти халқаро стандартлар асосида ривожлантирилмаганлиги халқаро амалиётда ушбу соҳада қўлланилаётган оперцион-жараёнли ёндашувнинг муҳим шарти “олдиндан қарор қабул қилиш – соддалаштирилган божхона операциялари – божхона аудити” тамойили асосида иш юритиш имкониятини бермади. Бунинг асосий сабаби, божхона органлари фаолиятига жорий этилаётган олдиндан маълумот алмашинуви ва қарор қабул қилиш тизимининг барча давлатларда ҳам мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Шу сабабли, XX аср охирлари в XXI асрнинг бошларига келиб божхона менежментида янги йўналиш структуравий ёндашув ривожланишни бошлади [2]. Унинг алоҳида жиҳатлари шундаки божхона органлари фаолиятини бошқаришда халқаро савдо жараёнларига мос равишда божхона органлари шахсий таркибини оптималлаштириш орқали самарали бошқарув структурасини жорий этилади. Бу ёндашув XX асрнинг 90-йилларидан халқаро амалиётга, 2018 йилдан бошлаб миллий божхона тизимига кириб келган товар ва транспорт воситаларининг танлаб божхона назоратидан ўтказишда юқори натижадорликка эришишга қаратилган фаолият учун мос ҳисобланади. Масалан, 2004 йилда АҚШнинг ташқи савдо айланмасининг жахон ташқи савдосидаги улуши 19%ни ташкил этган бўлса, ушбу давлатда фаолият юритувчи ходимлар сони 19 минг нафар эди, лекин ушбу даврда 68 минг нафар ходим фаолият юритаётган Россия Федерал божхона хизмати хизмат кўрсатган ташқи савдо айланмаси жахон ташқи савдосидаги улушига нисбатан 1%ни ташкил этган. АҚШ тажрибасида ходимлар фаолиятининг самарадорлигини оширилишида 1993 йил Конгресс томонидан имзоланган Божхона органлари фаолиятини замонавийлаштириш бўйича акт (Customs modernization act) асосий роль ўйнайди [3]. Ушбу ҳужжат АҚШ божхона органлари фаолиятида божхона менежментини “Бизнес-божхона” тамойили асосида қўллаш учун асос вазифасини ўтаган.

Замонавий божхона тизимидаги божхона менежменти ахборот-синергия ёндашувлари асосида ўрганилмоқда. Маълумки, бугунги божхона назорат қилувчи орган мақомидан кўра, бизнес вакиллари учун товарлар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш жараёнларида хизмат кўрсатувчи орган сифатида шаклланмоқда. Ахборот ёндашуви нуқтаи назаридан божхона менежменти фойдаланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари орқали олинган маълумотлар асосида қарор қабул қилиш жараёни сифатида қаралса, синергия ёндашуви божхона органларининг ташқи муҳит билан алоқаси давомида ўз-ўзидан юзага келадиган тизимни ўрганиш учун қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш йўналишида олиб борилган ислоҳотлар натижасида божхона менежментини такомиллаштиришга бўлган талаб ортиб кетишига олиб келди.

ХУЛОСА

Божхона менежменти тушунчаси қўлланила бошлаганига кўп бўлмаган янги тушунчалардан бўлишига қарамасдан, уни ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жахон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнлари жадаллашиб бораётган бир вақтда миллий божхона тизимида божхона менежментини такомиллаштириш мақсадида назарий-методологик таҳлилларга асосланган ҳолда зарурий чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Шу ўринда, юқорида келтирилган маълумотлар асосида замонавий божхона тизимида божхона менежментини ташкил этишда ахборот-синергия ёндашувидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобаланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. А.Д.Эршов, О.В.Калинина. Таможенный менеджмент: теоретические подходы, концепции и практика. Журнал “Экономика и бизнес”. С.111-124
2. Макрусев В.В. Таможенный менеджмент: Учебник. – М.: Дашков и Ко, 2022, - 344 с

3. Denning, Tracy (7 March 2012). "Agency Information Collection Activities: Customs Modernization Act Recordkeeping Requirements". The Federal Register. Retrieved 9 July 2012.
4. Макрусев В.В. Теоретическая модель таможенного дела и задачи таможенного менеджмента. Вестник Университета (Государственный университет управления). 2012. №6. С. 53-61.
5. Бойкова М.В. К вопросу об уровнях исследования таможенного администрирования // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Экономика. 2015. №2. С. 30.
6. Андреев А.Ф., Макрусев В.В. Аналитическое обеспечение принятия управленческих решений в таможенных органах Российской Федерации: монография. М.: Изд-во Российской таможенной академии, 2014, с. 128, 153.
7. Макрусев В.В. Основы системного анализа и управления в таможенном деле: Учебник. – М.: РИО РТА, 203, стр. 158.